

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВА ИРОДА НЕМАТОВНА**

**ПАСТ НАВЛИ ҚИЗИЛКУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРОЗА ГАЗЛАРИ  
БИЛАН ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Турсунова Ирода Нематовна**

Паст навли Қизилкум фосфоритларини нитроза газлари билан қайта  
ишлаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

**Турсунова Ирода Нематовна**

Разработка способов переработки низкосортных Кызылкумских  
фосфоритов с использованием нитрозных газов..... 21

**Tursunova Iroda Nematovna**

Development of processing methods of lowgrade Kyzylkum phosphrites using  
nitrous gases..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВА ИРОДА НЕМАТОВНА**

**ПАСТ НАВЛИ ҚИЗИЛКУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ НИТРОЗА ГАЗЛАРИ  
БИЛАН ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2017.2.Phd/T175** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент кимё - технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эркаев Ақтам Улашевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиязов Максудбек Жаббиевич.**  
техника фанлари доктори, профессор.  
**Таджиев Сайфитдин Мухитдинович**  
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий электр кимё заводи қўшма  
корхона-акциядорлик жамият**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «25» апрель 2018 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «10» апрел куни тарқатилди.  
(2018 йил «10» апрелдаги № 11 рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д.

**С.Тухтаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё кимё саноати соҳаларида, жумладан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ҳар бир мамлакатнинг ўз хомашё ресурслари (имкониятлари)дан ҳар томонлама тўлиқ фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ва янги технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда жуда муҳим бўлган бу илмий-техникавий муаммолар ечимини топишга соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг саъйи ҳаракатлари йўналтирилган. Бунда арзон, етарли, имконияти борича кимё ва тоғ-кон саноати чиқиндаларидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари кенг қўланилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда фосфорит маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ишлари ва яратилаётган янги технологияларда нисбатан паст сифатли фосфоритлардан самарадор ва сифатли фосфоконцентратлар олишга алоҳида эътибор берилаяпти. Улардан турли (оддий ва мураккаб) минерал ўғитлар олиш бўйича янги ишлаб чиқаришлар, фосфатли хомашёни қайта ишлашда ноананавий ва ресурстежамкор технологиялар яратишда фойдаланилаяпти.

Ҳозирги пайта республикамызда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий хомашё манбаи бўлган Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларини комплекс қайта ишлашнинг янада самарали технологияларини яратиш кимё саноати ривожланишининг асосий йўналишларидан биридир. Бу йўналишда паст навли хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб самарадор ва сифатли фосфорли ўғитлар олишнинг илмий асослари яратилган бўлиб, ушбу соҳани модернизациялаш, диверсификациялаш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш», «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш» ва «мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» га қаратилаган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, паст навли фосфоритларни чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаш ва унинг асосида азотфосфоркальцийли концентрат олишнинг самарали экологик усуллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ- 4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган

бошқа меъёрий-ҳуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда Ўзбекистон Республикасидаги паст навли фосфоритларни нитрат кислотали қайта ишлашга доир кенг миқёсда олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари мавжуд. Бу маълумотлар Ўзбекистон РФА академиги М.Н. Набиев ва унинг муносиб шогирдлари – академик Б.М. Беглов, Ш.С. Намазов, профессорлар А.У. Эркаев, Х.Ч. Мирзакулов, С.Таджиев, А.М. Рейимов, А. Сейтназаров ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидир.

Уларнинг илмий ишларида Ўзбекистон ва чет эллардаги азотфосфоркальцийли ўғитлар (АФКЎ) ишлаб чиқариш қувватлари (заводлари)да турли фосфоритларни қайта ишлаш усуллари ва мавжуд технологиялари бўйича маълумотлар йиғилиб ҳар томонлама таҳлил этилган.

Россиялик олимлар М.Е. Позин, Н.Н. Трейшенко, Б.А. Копилев, Г.В. Бельченко, В.А. Ткачёв, М.Х. Кишиневский, А.В. Панфилов, А.К. Чернишев ва бошқаларнинг ишларида азот оксидларининг алоҳида ва фосфорит минераллари, натрий ацетати, силикагеллар, ишқорли торф, сорбентлар иштирокида сувга ютилиши борасидаги дастлабки илмий натижалар келтирилган.

Аммо ушбу ишларда фосфоритлардаги карбонатлар кальций гидро- ва дигидрофосфатларнинг чиқинди нитроза газлари билан ўзаро таъсирлашув жиҳатлари ва механизмлари, компонент концентрациялари ва муҳит рН-ининг кенг интервали орасида тизимли ўрганиб чиқилмаган. Шунингдек, ўзида бир вақтда  $N_xO_y$ ,  $CaCO_3$ ,  $Ca_3(PO_4)_2$  ва сувни саклаган системаларни ўрганиш бўйича маълумотлар кам бўлиб, улар паст навли фосфоритларни чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқишни физик-кимёвий асослашга етарли эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институтининг илмий тадқиқот режасининг 2012-2014 йиллардаги Давлат илмий-техникавий дастури (ГНТП-6) га кирувчи №А13-026 «Чиқинди нитроза газларидан минерал хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларни қайта ишлаш билан кўп функционал мақсадда ишлатиладиган ноорганик моддалар олишда фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзудаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чиқинди нитроза газлари (ЧНГ)дан ва паст навли фосфорит (ПНФ)лардан азотфосфоркальцийли концентрат (АФКК) олишни экологик самарали усулини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ЧНГдан ПНФларни қайта ишлашда фойдаланиш муаммосини ўрганишга бағишланган илмий ишлар мониторингини ўтказиш;

Қизилқум фосфоритлари асосини ташкил этувчи компонентлар – кальций карбонати ва фосфатини сувли муҳитда ЧНГ билан ўзаро таъсирлашувининг физик-кимёвий жihatларини назарий ва экспериментал ўрганиш;

турли ПНФ ларнинг сувли суспензияларига ЧНГларини ютилиш жараёнига таъсир этувчи турли омиллар таъсирини ўрганиш;

ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлашда дастлабки компонентлар, ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг кимёвий ва фазавий таркибларини, бўтқа (пульпа)нинг реологик хоссаларини кимёвий ва замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан ўрганиш;

реал ишлаб чиқариш шароитларида ПНФлар суспензиясини ЧНГ билан таъсирлашувига турли омиллар таъсири ва жараёни амалга оширишнинг амалий имкониятларини ўрганиш;

микрозонд таҳлил усули билан ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлаш маҳсулотлари содир бўладиган таркибий ўзгаришларини ўрганиш;

ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлаш жараёнининг оптимал технологик параметрларини аниқлаш, принципа (асосий) технологик схемасини ва маҳсулотлар олишнинг моддий балансини тузиш;

олинган маҳсулотларнинг агрокимёвий фаоллигини аниқлаш;

ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлаш усулининг экологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Марказий Қизилқум (МК)нинг паст навли фосфоритлари (ПНФ), «Навоиазот» АЖ нитрат кислота ишлаб чиқаришдаги чиқинди нитроза газлари (ЧНГ), азотфосфоркальцийли концентрат (АФКК).

**Тадқиқотнинг предмети** ПНФ маъданларини ЧНГ билан қайта ишлаш усулини ишлаб чиқишнинг физик-кимёвий асослари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Термодинамик, графо-аналитик, рентгенфазавий таҳлил, ИК-спектроскопия, сканирловчи электрон-микроскопия (СЭМ), хроматографик, кимёвий, микрозонд ва агрокимёвий тадқиқот усуллари.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта паст навли МК фосфоритларини чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаб, хусусиятлари яхшиланган азофосфоркальцийли концентрат олишнинг экологик самарадор усули яратилган;

паст навли фосфоритларида таркибида кимёвий табиати билан фаркланувчи, муҳит рН ўзгаришига сезгир, уларни қайта ишлашнинг мавжуд ва янги яратиладиган усуллари асослаб берувчи икки хил таркибий қисмлар аниқланган;

сувли муҳитда паст навли фосфоритларни ва нитроза газларини узаро эрувчанлиги ва таъсирлашув механизмлари бўйича янги илмий маълумотлар олиниб, технологик жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган;

ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлаш жараёни ва ундан кейинги сақлаш (етилиш) даврида фосфорит таркибидаги эндокальцит тўлиқ парчаланиб, фосфатли хомашёнинг аппатит кўринишлари қолиши аниқланган;

ПНФларни ЧНГ билан қайта ишлаш махсулотларининг пахта чигити (уруги)нинг униб чиқиши уларни азотфосфоркальцийли ўғит холида ишлатилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

термодинамик, графоаналитик усуллар билан ўрганиш натижалари асосида « $N_xO_y-H_2O$ » система компонентлари ўзаро таъсир махсулотларининг ион алмашилиб парчалаш хоссасини намоён қилиши ва ундан фосфоритлар ва техноген чиқиндилар таркибига кирувчи кам эрувчан моддаларни қайта ишлашда фойдаланиш имконини беради;

паст навли фосфоритлар ва чиқинди нитроза газлардан АФКК олиш усулни қўллаш орқали Қизилкум фосфорит комбинатида йиғилиб қолаётган паст навли фосфоритларни қайта ишлашга ишлатишни имконини беради;

олинган махсулотнинг агрокимёвий хусусиятлари ўрганилиб, ундан азотфосфоркальцийли ўғитлар сифатида фойдаланиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлилларнинг натижалари тажриба синов текширувлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундай иборатки, паст навли фосфоритларини чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаш ва унинг асосида АФКК ва АФКЎ олишининг назарий асосларини яратишга илмий асос солинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ПНФларни нитрат кислота ишлаб чиқаришдан ЧНГ билан қайта ишлаш усули ва унинг асосида АФКК, АФУ, кальций нитрит-нитрати олиш усуллари ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ишлаб чиқилган усулнинг технологик схемаси, моддий баланси, технологик регламенти ва экологик самарадорлигининг асосини ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст навли Марказий Қизилкум фосфоритларини чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаш усулини ишлаб чиқиш асосида:

паст навли МК фосфоритларини чиқинди нитроза газлари билан қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патенти олинган (патентга № IAP 04343). Натижада шу усул асосида азотфосфоркальцийли концентрат ва кальций нитрит-нитрати олиш имконини берган;

паст навли МК фосфоритларини ЧНГ билан қайта ишлаш усули «Навоiazот» АЖда амалиётда жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 2018 йил 30 январдаги 02-06-01/1290 - сон маълумотномаси). Натижада олинган махсулотда  $CaO/P_2O_5$  ни 2,67 дан 1,45 гача камайитириш имконини берган;

паст навли МК фосфоритларини ЧНГ билан қайта ишлаш усули «Навоiazот» АЖда амалиётда жорий этилган («Навоiazот» АЖнинг 2018 йил 12 февралдаги 03/1568 - сон маълумотномаси). Натижада нитрат кислотаси

ишлаб чиқаришда махсулот таннари камайиши ва атроф муҳитга чиқарилаётган захарли чиқинди нитроза газларининг миқдори камайишига имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган журналларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижда нашр этилган ва 1 та ЎЗР Давлат патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги асосланиб, олиб борилган тадқиқотларнинг зарурийлиги, мақсад ва вазифаси, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти тажриба-саноат синовлари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

**Биринчи бобда** муаммонинг ўрганилганик ҳолатига доир илмий – техникавий нашрдаги маълумотлар таҳлили келтирилган. Фосфоритларни қайта ишлаш назарияси ва мавжуд ноанавий ва ресурстежамкор технологиялар, нитроза газларининг суюқлик ва қаттиқ моддалар билан ўзаро таъсири, ишқорлар эритмаларига абсорбцияси ва қаттиқ адсорбентларга ютилишининг ўзига хос жиҳатлари, нитроза газларидан тўрли мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан кондицион фосфоритларни қайта ишлашда қўлланилиши тўғрисида маълумотлар ўрганилиб, таҳлил этилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

**Иккинчи бобда** тадқиқот объектларининг тавсифлари, экспериментлар ўтказиш усуллари, дастлабки моддалар оралик ва охириги махсулотлар таркиби, тузилиши ва геотехнологик характеристикаларини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланилган кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари баён этилган. Паст сифатли фосфоритларни илк маротаба сканирловчи электрон микроскопия (РЭМ, SEM) усули билан ўрганиш натижалари келтирилган.

Минераллашган фосфоритларнинг (12-14%  $P_2O_5$ ) икки намунасининг РЭМ спектрлари асосида таркиб-тузилиш таҳлиллари натижаларига кўра Марказий Қизилқум паст сифатли фосфоритлари таркибида кимёвий табиати жиҳатдан ўзаро фарқланувчи, муҳитнинг рН қиймати ўзгаришига сезгир, уларни қайта ишлашнинг мавжуд технологик усуллари белгилаб берувчи икки хил таркибий қисмлар борлиги аниқланган.



Биринчиси – водород ион ( $H^+$ )лари таъсирига сезгир бўлган фосфат-карбонатли таркибий қисмлар бўлиб, уларга фосфорли ўғитлар ишлаб чиқараётган амалдаги кимёвий заводлардаги фосфоритларни ананавий кислотали қайта ишлаш усуллари асосланган.

Иккинчиси - силикат-алюминатли ва фосфат-вольфрамат (янги) таркибий қисмлар бўлиб, улар тузилишининг мураккаблиги ва қаттиқлиги билан ажралиб туради. Улар умумий таркиби  $Me_3[PW_{12}O_{40}]_2 \cdot xH_2O$  ( $Me=Ca^{+2}, Mg^{+2}; x = 5 \div 10$ ) бўлган жуда мустахкам полиэдрик кристаллар ҳосил қилади. Шу сабабли бу таркибий қисмлар юқори температура ва  $H^+$ - ионлари таъсирига 120-150% ортиқча кислота реагенти сарфи таъсирига ҳам жуда чидамлидир. Бизнинг фикримизча шу боисдан фосфоритларни кислотали қайта ишлашда ҳар доим ҳам асосий компонент ( $P_2O_5$ )ни тўлиқ чиқариб олиб бўлмайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, карбонатларни тўлиқ чиқариб юбориш ва фосфотларни фаоллашган ҳолатга ўтказиш мақсадида паст сифатли фосфоритларни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлувчи, алмашилиб парчаловчи реагент –  $H^+$  ионлари таъсиридан фойдаланишга асосландик. Бу мақсадда эритмада реакция муҳитда  $H^+$  - ионлари ҳосил қилувчи модда сифатида «Навои азот» АЖ №5 цехидаги, азот оксидининг ҳажмий улуши  $0,7 \div 1,0\%$ , ҳарорати  $30 \div 40^\circ C$  бўлган чиқинди нитроза газларидан фойдаланилди.

**3-боб. Фосфоритларни қайта ишлашнинг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш.** ПСФ ларни НГ билан қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги кетма-кетликда назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Диссертация ишининг кейинги бобларида қўлланилган услублар, олинган натижалар, уларнинг муҳокамаси, улар асосида қилинган хулосалар баён этилган.

Термодинамик ва графо-аналитик усуллар билан " $NO_2-H_2O$ " ( $T=298K$ ,  $P=101,325KPa$ ) системасида компонентлар таъсирлашув механизми, реакция маҳсулотларининг таркиби ва уларнинг мавжуд бўлиш соҳалари рН-қийматлари ўрганилди ва аниқланди.

Сувга  $NO_2$  газни ютилганда термодинамик жиҳатдан эҳтимоллиги юқори бўлган қуйидаги реакциялар содир бўлиши аниқланган:




(1) ва (2) тенгламалар " $NO_2-H_2O$ " системасида иккала реакциянинг маҳсулотлари сифатида  $HNO_2$ ,  $H^+$ ,  $NO_2^-$ ,  $NO_3^-$  лар ҳосил бўлиши ва мувозанати чапга сезиларли даражада силжиган қайтар жараёнлар эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларига кўра ушбу системада ютилаётган  $NO_2$  нинг миқдорига боғлиқ ҳолда водород ионлари миқдори (рН) нинг ўзгариши ҳосил бўлаётган эритма кислоталик хусусиятини белгилаб, эритма етарлича кислоталик (рН=1) ва оксидловчилик хоссасига эга бўлиши, у қийин эрувчан, лекин кислота таъсирида парчаланувчан минерал ва маъданларни қайта ишлашда қўлланилиши мумкинлиги аниқланди.

**NO<sub>2</sub> нинг сувда қийин эрувчан моддалар билан таъсирлашувини ўрганиш.** Юқоридаги хулосаларнинг амалда тўғрилигини текшириш мақсадида қийин эрувчан, лекин кислота таъсирида парчаланадиган моддалар - CaCO<sub>3</sub> ва Ca<sub>3</sub>(PO<sub>4</sub>)<sub>2</sub>нинг "NO<sub>2</sub>-H<sub>2</sub>O" системасида эриш жараёнлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.

CaCO<sub>3</sub> нинг NO<sub>2</sub> таъсирида сувда эриш эҳтимоллиги «CaCO<sub>3</sub>-NO<sub>2</sub>-H<sub>2</sub>O» системасидаги компонентларнинг кимёвий табиатига кўра, улар ўртасида бориши мумкин бўлган қуйидаги реакциялар бўйича термодинамик таҳлил этилди:



### 1 жадвал

#### «CaCO<sub>3</sub>-NO<sub>2</sub>-H<sub>2</sub>O» системасида бориш эҳтимоликлари аниқланган реакцияларнинг термодинамик омиллари қийимати

| Реакция | ΔH <sub>х.р.</sub> ,<br>кДж/моль | ΔS <sub>х.р.</sub> ,<br>Дж/моль·град | ΔG <sub>х.р.</sub> ,<br>кДж/моль | K <sub>мув</sub>     |
|---------|----------------------------------|--------------------------------------|----------------------------------|----------------------|
| 3       | -150,8                           | -384,5                               | -36,0                            | 4,4·10 <sup>-4</sup> |
| 4       | -95,96                           | -63,2                                | -77,26                           | 5,1·10 <sup>-3</sup> |
| 5       | -84,06                           | -90,8                                | -56,01                           | 4,6·10 <sup>-3</sup> |

Ҳисобланган термодинамик омиллар таҳлили, жараёнининг бориши энергетик (ΔH) ва энтропия (тузилиш) (ΔS) эффект ўзгаришлари билан содир бўлишини кўрсатди. Сўнгги омилнинг таъсири жараён бошланишида яъни ютилаётган NO<sub>2</sub> миқдори ва унинг ютилиши маҳсулотларини система компонентлари фазалараро чегарасида қаттиқ фаза сиртига диффузиясида кучлироқ намоён бўлади.

Кейинги (4) ва (5) реакциялар эриш жараёнини қайтмаслигини (ΔG<sub>кр</sub><0) таямлаб, жараён боришининг кинетик соҳасини ташкил этади. Компонентлар таъсирлашувида юзага келадиган энергетик етишмовчилик бу босқичдаги энтропия ўзгариши билан қопланади. Бу кўп миқдорда NO<sub>2</sub> ни суюқ фазага ютилиши ва NO<sub>2</sub><sup>-</sup>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup>, H<sup>+</sup> ионларининг ҳосил бўлиши туфайли CO<sub>2</sub> нинг чиқиб кетиши билан бир томондан изоҳланади. Иккинчи томондан (5) реакциянинг маҳсулотларининг H<sup>+</sup> + NO<sub>2</sub><sup>-</sup> ↔ HNO<sub>2</sub> бўйича диссоциатив – ассоциатив жараёни содир бўлиши билан изоҳланади. Бундан кўринадики, жараён боришининг кинетик соҳадаги миқёси нафакат ютиладиган NO<sub>2</sub> миқдори, H<sup>+</sup> ва NO<sub>2</sub><sup>-</sup> ионларининг ассоцияланганлиги, ҳамда муҳит кислоталиги ортиши туфайли системадан CO<sub>2</sub> нинг ажралиб чиқишга ҳам боғлиқдир.

Барча олинган маълумотларга кўра жараён бошланишида нитроза газлари сувга ютилиб NO<sub>2</sub><sup>-</sup>, HNO<sub>2</sub>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup> ва H<sup>+</sup>ларга айланади. Ҳосил бўлаётган H<sup>+</sup> ионлари эритмада қаттиқ ҳолдаги CaCO<sub>3</sub> билан ион алмашилиш реакциясига киришиб Ca<sup>+2</sup> ва HCO<sub>3</sub><sup>-</sup> ларни ҳосил қилади (жадвал 2).


**«CaCO<sub>3</sub>-N<sub>x</sub>O<sub>y</sub>-H<sub>2</sub>O» системаси кимёвий таркибининг ўзгариши**

| № | Суспензия<br>рН- и | Вакт,<br>мин | Газ сарфи, л. | Суюқ фазанинг таркиби, % |                               |                                                            | Қолдик<br>каттик фаза, % |
|---|--------------------|--------------|---------------|--------------------------|-------------------------------|------------------------------------------------------------|--------------------------|
|   |                    |              |               | CaO                      | HCO <sub>3</sub> <sup>-</sup> | NO <sub>2</sub> <sup>-</sup> +NO <sub>3</sub> <sup>-</sup> |                          |
| 1 | 6,2                | 5            | 1,38          | 2,43                     | 3,45                          | 8,69                                                       | 79,5                     |
| 2 | 4,0                | 15           | 8,72          | 6,24                     | 6,8                           | 9,93                                                       | 37,4                     |
| 3 | 2,0                | 30           | 13,4          | 7,10                     | 7,81                          | 44,02                                                      | 11,2                     |
| 4 | 1,50               | 50           | 16,9          | 7,57                     | 0                             | 51,89                                                      | -                        |

Тажриба натижаларига асосан рНнинг 6,2 дан 4,2 гача қийматлари оралиғи кинетик жиҳатдан жараён бориши тезлигини белгилаб беради. Муҳит(рН)нинг бу қийматлари оралиғида қаттик фаза (CaCO<sub>3</sub>)нинг кўпчилик қисми HCO<sub>3</sub><sup>-</sup> га айланиб, кейинчалик эритмада унинг миқдори рН=2,0 да максимумга (7.81%) етиб, қолдик каттик фаза миқдори 11,2% ни ташкил этади.

рН нинг бу интервалида 68,3% қаттик фаза эритмага ўтади. Жараённинг бу босқичи секин боради. Бу кальций карбонатнинг тузилиши ва суюқ фазанинг Ca<sup>+2</sup>, HCO<sub>3</sub><sup>-</sup>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup>, NO<sub>2</sub><sup>-</sup> ионлари билан тўйинганлиги билан боғлиқ бўлиб, эритмада Н<sup>+</sup> - ионлари концентрацияси ортиши, яъни ютилаётган N<sub>x</sub>O<sub>y</sub>нинг миқдори ошиши билан тезлашади.



Бунинг сабабини батафсил ўрганиш бу босқичда Н<sup>+</sup> - ионлари эритмада ўзаро кетма-кет боровчи икки реакцияда иштирок этишини аниқлаш имконини берди:





Маълум миқдорда эритмага ўтган HCO<sub>3</sub><sup>-</sup> ионлари, кучсиз, беқарор карбонат кислотанинг аниони сифатида рН≤4 да ҳосил бўлаётган Н<sup>+</sup> - ионларини ўзига бириктириб, бу ионларни кўшимча ютиб олиш эффекттини намоён қилади. Бу калций карбонатнинг декарбонизацияланиш жараёни, яъни СО<sub>2</sub> газининг чиқишини бошлаб беради. рН ≤2 да бу иккала реакция янада юқори тезликда яъни қаттик фаза тўлиқ эриб кетгунча ва таркибида фазанинг Ca<sup>+2</sup>, NO<sub>2</sub><sup>-</sup>, NO<sub>3</sub><sup>-</sup> ионларини сақлаган тиниқ эритма ҳосил бўлгунча давом этади.

**Са<sub>3</sub>(РО<sub>4</sub>)<sub>2</sub> нинг нитроза газлари билан сувли муҳитда таъсирлашувини ўрганиш.** Маълумки ПНФнинг керакли таркибий қисми Са<sub>3</sub>(РО<sub>4</sub>)<sub>2</sub>нинг турли кўринишлари бўлиб, улар қайта ишлаш жараёнида турли гидратланган ҳолатларни ва Н<sub>3</sub>РО<sub>4</sub>ни ҳосил қилади. Уларнинг бу хусусияти кимё ва технология нуқтаи назаридан фосфорли хомашёларни қайта ишлаб минерал ўғитлар олиш бўйича тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли сувли муҳитда Са<sub>3</sub>(РО<sub>4</sub>)<sub>2</sub>ни нитроза газлар билан ўзаро таъсирлашув механизми ўрганиб чиқилди.

«Са<sub>3</sub>(РО<sub>4</sub>)<sub>2</sub>-NO<sub>2</sub>-H<sub>2</sub>O» системасида содир бўладиган реакцияларнинг мураккаб ва кўп сонли эканлигини эътиборга олиб, уларнинг қайсылари амалга ошиш эҳтимоллиги ΔG<sub>кр</sub> қийматига кўра термодинамик таҳлил этилиб, қуйидаги реакциялар бориш эҳтимоллиги аниқланди:






Реакцияларнинг изобар-изотермик потенциаллари ўзгариши  $\Delta H_{x,p}$ ,  $\Delta S_{x,p}$ ,  $\Delta G_{x,p}$  Гиббс тенгламасига асосан  $T = 298-318 \text{ K}$  ва  $P = 101,325 \text{ Kпа}$  шароитда мувозанат доимийси қийматлари  $K_{\text{мув}} = \exp\{-\Delta G/RT\}$  тенглама асосида ҳисобланган.

**Жадвал 3**

**« $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2\text{-NO}_2\text{-H}_2\text{O}$ » системасида бориш эҳтимоликлари аниқланган реакцияларнинг термодинамик омил қиймати**

| Реакцион тенглама рақами | $\Delta H_{x,p}$<br>кДж/моль | $\Delta S_{x,p}$<br>Дж/моль·град | $\Delta G_{x,p}$<br>кДж/моль | $K_{\text{мув}}$     |
|--------------------------|------------------------------|----------------------------------|------------------------------|----------------------|
| 6                        | -152,7                       | -399,5                           | -33,0                        | $2,6 \cdot 10^{-4}$  |
| 7                        | -153,4                       | -321,6                           | -57,74                       | $3,3 \cdot 10^{-4}$  |
| 8                        | -33,26                       | +118,6                           | -68,6                        | $3,5 \cdot 10^{-4}$  |
| 9                        | -376,0                       | -10,11                           | -373,04                      | $2,71 \cdot 10^{-2}$ |
| 10                       | -276,81                      | -719,98                          | -66,85                       | $5,68 \cdot 10^{-4}$ |
| 11                       | -103,34                      | -27                              | -95,29                       | $4,47 \cdot 10^{-4}$ |

Ушбу системадаги компонентлар таъсирлашуви ўзига хос жиҳатларининг назарий тадқиқоти бориши мумкин бўлган реакцияларнинг кўплигини ҳисобга олиб ютилаётган  $\text{NO}_2$  миқдори ва ҳосил бўладиган  $\text{H}^+$  - миқдориға боғлиқлиги асосида графо-аналитик усулда амалга оширилди. Бунинг учун  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  нинг эришининг рН-ға боғлиқ графиги ҳар бир босқичнинг мувозанат хусусияти ва термодинамик катталиклари ўзгариши эътиборга олиниб тузилди (1-расм).



1.  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  нинг 6-реакция бўйича; 2.  $\text{CaHPO}_4$  нинг 7-реакция бўйича; 3.  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$  нинг 8-реакция бўйича; 4.  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  нинг сувда ( $\text{N}_x\text{O}_y$  иштирокис) эриш чизиклари.

**1-Расм.  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  нинг сувда нитроза гази таъсирида эриш графиги**

« $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2\text{-NO}_2\text{-H}_2\text{O}$ » системасини назарий таҳлил хулосалари тажриба натижалари билан тасдиқланиб,  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  нинг эриши аввалида ( $\text{pH} = 10-6,4$ ) тез, сўнгра 2 та секин боровчи босқичларда ( $\text{pH} = 6,2$  ва  $4,0-3,8$ ) бориб,  $\text{pH} = 1,8$  да тўлиқ эриши аниқланди.

Ушбу системада дастлабки моддалар, оралиқ ва якуний махсулотлар таркибиларини НГ миқдори ва муҳитнинг рНига боғлиқ ҳолда ўзгаришини ўрганиш ҳосил бўлаётган  $\text{H}^+$ -ионларини  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  га босқичли ютилиши туфайли  $\text{pH}=10-6,2$  оралиғида  $\text{CaHPO}_4$ ;  $\text{pH} = 6,2-4,0$  да  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)$  ҳосил бўлиб, эритмага турли миқдорда  $\text{Ca}^{+2}$ ,  $\text{NO}_2^-$ ,  $\text{NO}_3^-$  ионлари ўтишини кўрсатди.  $\text{pH}$  4 дан 1,8 гача камайиши  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$  миқдорини оширади. Аммо  $\text{pH}=4,0-2,8$  оралиғида эритмада  $\text{HPO}_4^{-2}$  ва  $\text{H}_2\text{PO}_4^{-1}$  ионлари миқдорий нисбатлари ўзгарувчанлиги сабабли барқарор буфер система юзага келади.

Шу сабабли бу босқичда жараён секинлашади ва уни тезлатиш учун кўп миқдорда НГ сарфланади.  $\text{pH}=1,8$  ва ундан пастда каммиқдорда  $\text{H}_3\text{PO}_4$  ҳосил бўлади.

« $\text{CaCO}_3\text{-NO}_2\text{-H}_2\text{O}$ » ва « $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2\text{-NO}_2\text{-H}_2\text{O}$ » системаларни урганиш натижалари улардаги компонентларнинг узаро таъсирлашуви мувозанати сезиларли даражада ўнгга силжиган қайтар жараён эканлигини кўрсатди. Бу системаларда қаттиқ, суюқ ва газ фазалари ўртасида муҳитнинг рН қиймати камайиши, яъни ютилаётган НГ миқдори ортиши билан кучайиб борадиган ион алмашилиш реакцияси бориши билан изоҳланади. Реакцияларнинг махсулотлари сифатида  $\text{CO}_2$ , кальций гидро-, дигидрофосфат ва нитрит-нитратлари ҳосил бўлади.

Бу маълумотлар кислота таъсирида парчаланадиган қийин эрувчан моддаларни қайта ишлашда НГдан фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлайди.

**4-боб. Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритларини нитроза газлари билан қайта ишлаш жараёнлари тадқиқоти.** Диссертация ишининг кейинги қисмларида юқоридаги тадқиқотлар натижаларига асосланиб нокондицион фосфат хомашёларини қайта ишлашда НГдан амалда фойдаланиш мумкинлиги ва унда содир бўладиган ўзаро таъсирлашув жиҳатлари, ҳосил бўлувчи махсулотлар таркиби ва хоссалари ўрганилган.

ПНФ ларидан (10-18%  $\text{P}_2\text{O}_5$ ) фосфорит уни, минераллашган масса ва чиқинди шлам турларини «фосфорит- $\text{N}_x\text{O}_y\text{-H}_2\text{O}$ » системасида лаборатория тажрибалари асосида ўрганиб, фосфоритларнинг сувли суспензияларидан НГ таъсирида карбонатларнинг декарбонизацияниши, фосфатларнинг гидро-, дигидрофосфатларга айланиши аниқланди. Тажриба якунида қаттиқ ҳолдаги фосфорит (рядовой фосфорит)даги карбонатлар 19,03% дан 1,6% гача камайиб, эритмада карбонат ва гидрокарбонатлар мавжуд эмаслиги аниқланди, фосфоритнинг декарбонизацияланиш даражаси 91,33% ни ташкил этиши аниқланди.

Асосий таркибий қисм -  $\text{P}_2\text{O}_5$  нинг миқдори қаттиқ фазада 15,66 дан 22,8% га етиб, 1,5-2% суюқ фазага ўтади. Бу натижалар сувли муҳитда ПНФ НГ таъсирида кимёвий ўзгаришга учраб,  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўйича бойийди ва қийин эрувчан фосфатлар эрувчан шаклларга ўтишини исботлади. Ютилган НГ эритмада  $\text{NO}_2^-$  ва  $\text{NO}_3^-$  ларни ҳосил қилади, уларнинг қаттиқ фазага адсорбцияси туфайли қаттиқ махсулотда  $\text{N}_{\text{умум}}$  2,92% ни ташкил этади.

Шунга кўра  $\text{pH}$  9,2 дан 2 гача камайганда охириги олинган пулпанинг қаттиқ фазасида  $\text{Ca}^{+2}$  ва  $\text{Mg}^{+2}$  миқдорининг камайиши 65,66 ва 90,65%ни ташкил этади (4 - жадвал).

**ПНФларни НГ билан қайта ишлашда ҳосил бўладиган  
пулпанинг кимёвий таркиби**

| № | Суспен-зия рН-и | Вакт, мин | Газ сарфи, литр | Қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби, % |                                       |                                        |                     |              |      |                 |                                      |
|---|-----------------|-----------|-----------------|------------------------------------|---------------------------------------|----------------------------------------|---------------------|--------------|------|-----------------|--------------------------------------|
|   |                 |           |                 | N<br>умум                          | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub><br>умум | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub><br>узлаш | CaO <sub>умум</sub> | CaO<br>узлаш | MgO  | CO <sub>2</sub> | CaO<br>P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> |
| 1 | 9,8             | -         | -               | -                                  | 15,3                                  | 7,8                                    | 41,17               | 30,87        | 5,59 | 19,0            | 2,67                                 |
| 2 | 8,2             | 5         | 2,65            | 0,89                               | 15,8                                  | 8,0                                    | 41,09               | 30,96        | 4,68 | 18,5            | 2,60                                 |
| 3 | 6,2             | 10        | 5,3             | 0,99                               | 16,2                                  | 8,95                                   | 41,01               | 31,47        | 3,75 | 13,5            | 2,51                                 |
| 4 | 5,5             | 15        | 7,95            | 1,51                               | 16,5                                  | 9,57                                   | 39,76               | 31,13        | 1,60 | 11,3            | 2,40                                 |
| 5 | 4,2             | 25        | 13,2            | 2,06                               | 18,1                                  | 10,8                                   | 37,3                | 29,89        | 1,58 | 10,3            | 2,05                                 |
| 6 | 3,5             | 90        | 47,7            | 2,17                               | 18,2                                  | 11,2                                   | 35,8                | 29,2         | 1,24 | 2,92            | 1,96                                 |
| 7 | 2,2             | 135       | 71,5            | 2,45                               | 18,2                                  | 11,8                                   | 33,66               | 28,9         | 1,05 | 2,05            | 1,84                                 |
| 8 | 1,5             | 165       | 87,4            | 2,8                                | 21,5                                  | 13,9                                   | 32,8                | 28,2         | 0,99 | 1,24            | 1,52                                 |
| 9 | 0,5             | 180       | 95,4            | 2,92                               | 22,0                                  | 14,5                                   | 32,05               | 28,0         | 0    | 1,09            | 1,45                                 |

Тадқиқ этилган системаларни ўрганиш бўйича олинган натижалар фосфоритларни ташкил этган қийин эрувчан таркибий қисмлар НГ таъсирида эрувчан ҳолатга ўтиб, қаттиқ фазаси юқори дисперсликка эга бўлган пулпалар ҳосил қилишини кўрсатади.

**ПНФ ларни НГ билан қайта ишлашда ҳосил бўлган пулпанинг реологик хоссалари тадқиқи.** Технологик жиҳозларда дисперс тизимлар иштирокида амалга оширилган масса алмашинуви жараёнларида жуда муҳим бўлаган физик-кимёвий катталиклари - пулпаларнинг реологик хоссалари ўрганилди.


Бу мақсадда пулпадаги Қ:С= 1,2÷1,5 нисбатлари ва температурага 20-80<sup>0</sup>С боғлиқ ҳолда уларнинг зичлиги, қовушқоқлиги ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилди.

Пулпанинг зичлиги ўрганилган Қ:С нисбатларида температура ортиши билан камайиб боради. Шу сингари қовушқоқликнинг барча Қ:С нисбатларида температура ортиши билан фосфорит турига боғлиқ ҳолда камайиб бориши кузатилди.

Умуман, бу бўлимда олиб борилган тадқиқотлар натижалари ПНФларни НГ билан қайта ишлаб олинган пулпаларнинг реологик хоссалари технологик талабларига жавоб беради, улар оқувчан ва бир ускунадан бошқа ускунага қийинчиликларсиз ўтказиш имконини беради.


**ПНФларни НГ билан қайта ишлашдаги дастлабки моддалар ва маҳсулотларнинг кимёвий ва фазавий таркибларини физик-кимёвий тадқиқот усуллари билан ўрганиш.** Тажриба усул билан олинган таркиб-тузилиш ўзгаришларни тасдиқлаш мақсадида дастлабки компонентлар ва қайта ишлаш маҳсулотларининг ИК-спектрлари, рентгенограмма ва хроматограммалари ўрганилди. ИК – спектрлардаги  $\nu(\text{CO}_3^{2-})$ ,  $\nu(\text{PO}_4^{3-})$ ,  $\nu(\text{NO}_3^-)$ ,  $\nu(\text{HO})$  ютилиш соҳалари частоталари қийматларини солиштириш асосида ПНФлар НГ билан қайта ишлаганда кимёвий ўзгаришга учраши аниқланди.

Муҳитнинг рНига боғлиқ ҳолда дастлабки компонентлар ИК-спектрларидан қайта ишлаш маҳсулотлари спектрларига ўтганда  $\nu(\text{HO})$ га тегишли  $3300\text{--}3600\text{см}^{-1}$  даги ютилиш соҳаси (полоса)си интенсивлиги ортиб, унинг кенгайиши кузатилади. Шу билан бирга (расм 2.) 4 спектрда  $1600\text{--}1630\text{см}^{-1}$  оралиғида  $\delta(\text{НОР})$  деформацион тебраниш соҳаси ва  $1100\text{--}1250\text{см}^{-1}$  даги  $\nu(\text{P=O})$  ва  $\nu(\text{P-O})$  тебраниш соҳаси кенгайиши аниқланди.



- 1- дастлабки фосфорит;  
2 – рН = 4,5да; 3 – рН = 3,4да;  
4 – рН = 2,0да қайта ишланган фосфорит

**2-Расм. Дастлабки ва қайта ишланган фосфоритнинг ИК спектрлари**



- 1 – дастлабки фосфорит уни;  
2 – қайта ишланган фосфорит уни

**3-Расм. Дастлабки ва қайта ишланган фосфорит унининг рентгенограммалари**

